

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА МАСОФАВИЙ БАНК ХИЗМАТЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Тангриев Иззат Рахматуллаевич

Тошкент давлат иқтисодиёт университети мустақил тадқиқотчиси

Аннотация:

Мақолада масофавий банк хизматларини жорий этишга таъсир қилувчи ички ва ташқи омиллар келтирилган. Мақолада масофавий банк хизматларини жорий этишда мавжуд муаммолар ёритилган ва уларни бартараф этиш бўйича муаллиф ёндашувлари келтирилган.

Таянч сўзлар: масофавий банк хизматлари, интернет сайт, риск, банк технологиялари, интернет тезлиги, молиявий хизматлар.

Кириш

Мамлакатимиз тижорат банкларида масофавий банк хизматларини кўрсатиш тобора ривожланиб бораётган бўлсада, ушбу хизматларнинг янада тараққий топишида муаммолар йўқ, деб бўлмайди. Масофавий банк хизматларида юзага келган муаммоларни бартараф этиш ва банк мобил иловаларида қулайликлар яратиш орқали миқдорлар сонининг ортишига эришиш мумкин. Бугунги кунда банклар миқдорларининг сони ортиб бориши, кўплаб миқдорларни жалб қилиш ва уларга кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш натижасида ўзларининг даромадини ҳам кўпайтириш учун ҳаракат қилмоқдалар.

Хусусан илғор хориж тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда молиявий хизматлар бозорида масофавий банк хизматларининг сифати миқдорларга хизмат кўрсатишда рақобат курашининг муваффақиятини белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикасида банк тизимини ислоҳ қилиш шароитида тижорат банкларининг депозит ва кредит хизматлари кўрсатиш амалиётини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясида «Банк хизмати кўрсатишни модернизация қилиш, кредит портфели ва таваккалчиликларни бошқариш сифатини яхшилаш, тижорат

банклари кредитларининг ҳажмини барқарор ўсишини таъминлаш, молиявий таваккалчиликларни баҳолаш учун технологик ечимларни татбиқ этиш»[1] мамлакат банк тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари сифатида белгилаб берилган.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.

Ҳозирги даврда банк хизматлари, унинг ривожланиш эволюцияси ва уни янада такомиллаштириш бўйича кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Банк хизматлари бозорида мижозларнинг эҳтиёжлари ва уларни қондириш, шунингдек банк хизматлари каби масалаларни тадқиқ қилиш, россиялик олимлар Е.Ф.Жуков, О.И.Лаврушин, Т.Н.Нестерова, А.Н.Иванов, ва франциялик иқтисодчи олим С. Де Куссерларнинг илмий изланишларида ўз аксини топган.

О.Лаврушиннинг фикрига кўра, банк - маълум маҳсулот ишлаб чиқарадиган муассаса бўлиб, моддий ишлаб чиқариш соҳасидан фарқ қилиб пул, тўлов воситалари кўринишидаги махсус товарларни ишлаб чиқаради. Ушбу маҳсулотларга қўшимча равишда банклар асосан пул мазмунидаги хизматларни тақдим этади[3].

Мазкур иқтисодчи олимнинг фикрича, банк шаклининг ўзгариши бир қанча асосий тенденциялар ёрдамида амалга ошади: хизматлар сони ўсиши, рақобатнинг ўсиши, дерегуляция, молиялаштириш нархининг ўсиши, фоиз ставкаларга ўта сезувчан фондлар, технологик революция, консолидация ва географик экспансия, банк ишининг глобализацияси, банкротлик хатарининг ўсиши ва давлат томонидан депозитларни суғурталаш тизимининг кучсизланиши.

О.Алиқориев ўз тадқиқотларида банк хизматлари, банк операциялари ва банк маҳсулотлари тушунчаларини тадқиқ этади ва бу тушунчаларнинг ҳар бирига таърифлаб ўзаро боғлиқлигини ва бир-бирини тўлдириб туришини кўрсатиб беради:

Банк хизмати бу- мижозларга тақдим этиладиган банк операцияларининг оптимал бажарилишига кўмаклашувчи банк фаолиятининг кўринишидир.

Банк операцияси бу- пул маблағларининг ҳаракатини кўзда тутувчи ҳамда муайян иқтисодий натижага эришишга қаратилган банкнинг ўзаро боғлиқ фаолияти мажмуасидир.



Банк маҳсулоти бу-молия бозоридаги олди сотди объекти ҳисобланган банк операциясининг моддий шаклидир[4].

А.Мирсоатовнинг фикрича банк соҳасида “янги банк хизматлари ва маҳсулотлари” каби тушунчаларни ажрата олиш муҳим бўлиб, улар ҳукукий жиҳатдан “банк операциялари” ёки “битимлари” каби тушунчаларга боғланган. Автоном тарзда мавжуд бўлиши мумкин бўлган банк маҳсулотидан фарқли ўлароқ, банк хизматлари бир вақтнинг ўзида тугалланмаган характерга эга бўлиши мумкин бўлган қўшимча ҳаракатлар тўпламини ифода этади[5].

Фикримизча, банк хизматлари тугалланган мазмунга эга бўлган қўшимча ҳаракатлар натижаси бўлиши ҳам мумкин. Масалан, онлайн кредит хизмати. Онлайн кредит хизмати тугалланган мазмунга эга бўлган ҳаракатлар натижасидир.

Таҳлил ва натижалар

Банклар миқдоридаги масофадан банк хизматларини кўрсатиши замонавий банк тизими тараққиётининг энг истиқболли йўналишларидан бири ҳисобланади ва уни ривожлантиришга бир қатор омиллар таъсир этади. Масофавий банк хизматларини жорий этишда бу хизматларга таъсир қилувчи омилларни ҳисобга олиш зарур. Бу таъсир қилувчи омилларни иккига, яъни ички ва ташқи омилларга бўлиш мумкин.

Масофавий банк хизматларини жорий этишга таъсир қилувчи ички омилларга қуйидагилар киради:

Биринчидан, ички омилларга масофавий банк хизматларини ташкил этиш билан боғлиқ бўлган омилларни олишимиз мумкин. Яъни ҳар бир масофавий банк хизматларини жорий қилишимизда бирор-бир янги технологияларнинг имкониятларни банк тизимига жорий қилиш ёки унинг имкониятларини банкда қўллаб кўриш орқали амалга оширилади. Сўнгра бу технологиялар билан амалга ошириладиган тизим фойдаланувчилар учун содда бўлиши, яъни молиявий маданияти юқори бўлмаган ва технологик билими камроқ бўлган аҳоли ҳам фойдалана олиши мумкин бўлган даражада яратилиши лозим. Бундан ташқари, тизим яратувчилари томонидан фойдаланувчиларнинг бу тизимга бўлган ишониши учун уларнинг шахсий маълумотлари хавфсизлиги тўлиқ таъминланган бўлиши керак;

Иккинчидан, масофавий банк хизматларини оммалаштириш учун банкнинг маркетинг сиёсатини оқилона олиб бориш талаб этилади. Унга кўра



масофавий банк хизмат турлари ва уларнинг имкониятларини банк мижозлари ва аҳолига етаказиш учун семинар тренинглар ўтказиш орқали бу хизматлар тўғрисида фойдаланувчиларда ижобий таассурот уйғотиш муҳимдир.

Учинчидан, тижорат банкларининг молиявий хизматлар бозорида рақобатбардошлигини таъминлаш мақсадида тижорат банклари ўз хизматларини такомиллаштириб бормоқдалар, хусусан, рақобат шароитида тижорат банклари мижозларини сақлаб қолиш ва янги мижозларни жалб қилишда масофавий банк хизматларидан фойдаланиш нархини оптималлаштириши ва хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаши талаб этилади.

Тўртинчидан, замонавий банк технологияларидан ва уларга асосланган масофавий банк хизматлари тизимларидан самарали фойдалана олишни таъминлаш учун банк ходимлари ва уларнинг малакаларини ошириш талаб этилади. Банкнинг ўқув маркази томонидан мунтазам ўқув ва амалий семинарлар ташкил этиб бориш керак.

Бешичидан, масофавий банк хизматларини ташкил этиш ва ундаги барча ҳолатларнинг ҳуқуқий жиҳатларини ўзида акс эттирган Марказий банк йўриқномалари ва тижорат банклари ички низом ва тартиблари, яъни меъёрий-ҳуқуқий асоси яратилганлиги фойдаланувчилар ўртасида бу тизимга нисбатан ишонч ҳиссини оширади.

Масофавий банк хизматлари ривожлантирилишига таъсир қилувчи ташқи омилларга қуйидагилар киради.

Биринчидан, масофавий банк хизматларида молиявий операцияларни амалга оширишда операцион тизим билан боғлиқ салбий ҳолатлар ва фойдаланувчининг нотўғри амалга оширган операцияси натижасида операцион рискнинг юз бериши, масофавий банк хизмат тизимларида муаммоли ҳолатларда молиявий йўқотишлар, фойдаланувчиларнинг эҳтиёткорсизлик билан қилган хатолари ва бошқа ҳолатлардаги молиявий йўқотишлар натижасида молиявий рискнинг вужудга келиши масофавий банк хизматларидан фойдаланишга салбий таъсир кўрсатади. Ундан ташқари электрон алоқа каналлари орқали ўтувчи молиявий ахборотларнинг ҳавфсизлик rischi фуқароларнинг банкларга нисбатан ишончи етарли даражада эмаслиги, яъни ҳалигача фуқароларнинг кўпчилик қисми ўз

жамғармаларини банкларда эмас, балки кўчмас мулк ёки валюта кўринишида «ёстиқ остида» сақлашаётгани сир эмас.

Иккинчидан, одамларнинг масофавий банк хизматлари тўғрисида хабардорлиги, яъни масофавий банк хизматлари ҳақида рекламалар, банклар сайтлари, яқинлари ёки танишларидан эшитиш орқали хабардор бўлади. Айниқса, оғзаки нутқ орқали виртуал муҳитда бепул мулоқотда масофавий банк хизматлари тўғрисидаги сўзлар ёки яқинлари томонидан етказилиши истеъмолчиларга реклама қилишнинг таъсиридан кўра таъсирчанроқ эканлиги тан олинди.

Учинчидан, масофавий банк хизматларини муайян дастур тизимидан фойдаланиб, фойдали томонларини қабул қилиш орқали фойдаланувчи ўз ишининг самарадорлигини оширишига имкон беради. Умуман олганда, мижозлар банклар томонидан тақдим этилган масофавий банк хизматларининг кўплаб фойдали томонларини тушуниб, янги технологияларни қўллаш ва улардан фойдаланишга ижобий муносабатда бўлишади. шундай қилиб, масофавий банк хизматлари банк соҳасида таъсирчан наф келтирадиган конструкция сифатида фойдаланилишини эътироф этиш мумкин.

Тўртинчидан, банклар мижозларининг сони ошиши ва мижозлари ҳудудий чегарасининг кенгайиши натижасида банклар филиаллари сонини ошириш кўп харажатлар билан боғлиқ бўлганлиги учун мижозларига замонавий молиявий технологиялар имкониятларидан фойдаланиб, масофадан банк хизматларини кўрсатишни талаб этади ҳамда ортиқча куч ва харажатларсиз мижозлар сони ва ҳудудий чегарасини ошириб бориш имкониятига эга бўлади.

Бешинчидан, сўнгги бир неча йил ичида мамлакатимизда интернетнинг молия бозорида канал сифатида ишлатиш, сотиш ва мижозларга хизмат қилиш имконияти пайдо бўлди.

Ҳозирги вақтда тижорат банкларида мижозларнинг транзакциялари учун турли транзакцион моделлар ва янги банк хизматлари орқали қулайликлар яратилмоқда, пировардида банк мижозлари вақти тежалади, харажатларни камайтиришга хизмат қилади ҳамда банк хизматларининг тезлиги, шаффофлиги, мобиллиги ошиши тобора яхшиланади. Хукуматнинг бу каби банк хизматларига нисбатан давлат сиёсати даражасида эътибор қаратиши албатта келгусида ўз ижобий натижасини беради.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ги ПФ-60-сонли фармонида ҳамда 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сон “Рақамли Ўзбекистон-2030” Стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида фармонларида оптик толали алоқа линияларининг умумий узунлигини 170 минг км га етказиш[1], 2022 йил якунига қадар ҳар бир аҳоли пункти 10 Мбит/сдан кам бўлмаган маълумотларни узатиш тезлигидаги Интернет тармоғига уланиш имконияти билан таъминлаш[2] ўз ифодасини топган бўлсада, бироқ инновацион ва рақамли технологиялардан фойдаланиш билан боғлиқ бир қанча муаммолар мавжуд:

- масофавий банк хизматлари ва интернет банкингдан фойдаланаётганда мижозларнинг тизимдан фойдаланишда етарли билим ва кўникмаларга эга эмаслиги;
- коммуникацион инфраструктурани вилоятларнинг чекка ҳудудларида яхши ривожланмаганлиги;
- халқаро банк амалиётида кенг қўлланилаётган рақамли технологиялардан – Big data ва Data basing технологиялари республикаимиз банклари амалиётига жорий этилмаганлиги;
- банк тизимида рақамли технологиялардан фойдаланиш кўлами ва самарадорлигини тавсифловчи кўрсаткичлар тизимининг шакллантирилмаганлиги;
- банк тизимида рақамли технологиялардан фойдаланиш амалиётини тартибга солувчи қонунчилик асосининг мавжуд эмаслиги. Банк тизимида рақамли технологиялардан фойдаланиш амалиётини тартибга солувчи қонунчилик асоси бўлмаса, давлат Марказий банк орқали ўзининг назорат функциясини тўлиқ амалга ошира олмайди.

2023 йилнинг июл ойи ҳолатига кўра, Ўзбекистонда интернет тезлиги ўтган йилга нисбатан тушган.

Хусусан, Speedtest Global Index таҳлилининг асосий мезонлари мобил ва кенг полосали интернет тармоқлари учун юклаб олиш ва юклаш тезлиги ҳисобланади. Speedtest маълумотларига кўра, мобил интернет тезлиги бўйича мамлакатлар рейтингда Ўзбекистон 5 поғонага пастлади ва 112-ўринни эгаллаб турибди (1-жадвал).



Мамлакатимизда ўртача юклаш тезлиги -20,33 Мбит/с. Қўшни мамлакатлар билан таққосланса: Қозоғистон 64-ўринда (33,91 Мбит/с), Қирғизистон 84-ўринда (26,92 Мбит/с), Тожикистон 137-ўринда (9,73 Мбит/с), Туркменистон бўйича маълумот йўқ. Тадқиқот натижаларига кўра, дунёдаги энг тез мобил интернет Бирлашган Араб Амирликларида (205,77 Мбит/с) ҳисобланади. Иккинчи ўринда Қатар (186,35 Мбит/с). Кувайт кучли учликни яқунлайди (160,87 Мбит/с).

2-жадвал. Дунёда мобиль интернет тезлиги бўйича етакчи давлатлар ва Ўзбекистон рейтинги[6].

N	Country	Mbps
1 ⁻	БАА	205.77
2 ⁻	Қатар	186.35
3 ⁻	Қувайт	160.87
4 ⁺⁴	Уругвай	149.08
5 ⁺¹	Жанубий Корея	140.49
6 ⁻²	Норвегия	122.72
7 ⁻²	Бруней	120.84
8 ⁻	Исландия	109.28
9 ⁻	Нидерландия	106.27
10 ⁻³	Дания	101.19
112 ⁻⁵	Ўзбекистон	20.33

3-жадвал. Дунёда оптик толали интернет тезлиги бўйича етакчи давлатлар ва Ўзбекистон рейтинги[6].

N	Country	Mbps
1-	Сингапур	247.44
2+2	Ҳонгконг	242.99
3-	Чили	240.34
4-2	БАА	238.28
5+1	Таиланд	211.28
6+1	АҚШ	207.32
7-2	Хитой	193.66
8-	Данич	192.68
9-	Испания	178.94
10+13	Тайван	177.43
87-2	Ўзбекистон	51.6

Интернетга кенг полосали уланиш (симли интернет) билан боғлиқ вазият биров яхшироқ бўлиб, Ўзбекистон жаҳон рейтингида 87-ўринни эгаллади. Мамлакатда ўртача юклаш тезлиги - 51,61 Мбит/с. Қўшни мамлакатлар билан таққосланса: Қирғизистон 86-ўринда (51,95 Мбит/с), Қозоғистон 95-ўринда (46,33 Мбит/с), Тожикистон 130-ўринда (22,01 Мбит/с), Туркменистон 180-ўринда (4,06 Мбит/с). Тадқиқот натижаларига кўра, дунёдаги энг тез кенг полосали интернет Сингапур (247,44 Мбит/с), Ҳонгконг (242,99 Мбит/с) ва Чилида (240,34 Мбит/с) қайд этилган (2-жадвал).

**1-расм. Дунё бўйича аҳолининг интернетдан фойдаланувчилари сони
(2023 йил 30 июнь ҳолатига) [7].**

Жаҳон Минтақалари	Аҳоли сони (2022 йил якуни)	Аҳоли сони Жамига нисбатан % да	Интернет фойдаланувчилари 01.01.2022 й	Фойдаланувчилар жамига нисбатан % да	Ўсиш 2000-2023	Жамига нисбатан Ўсиш
Африка	1 394 588 547	17.6 %	601,940,784	43.2 %	13,23%	11.2 %
Осиё	4 352 169 960	54.9 %	2,916,890,209	67.0 %	2,45%	54.2 %
Европа	837 472 045	10.6 %	747,214,734	89.2 %	611%	13.9 %
Лотин Америкаси/Кариб.	664 099 841	8.4 %	534,526,057	80.5 %	2,86%	9.9 %
Шимолий Америка	372 555 585	4.7 %	347,916,694	93.4 %	222%	6.5 %
Яқин Шарқ	268 302 801	3.4 %	206,760,743	77.1 %	6,19%	3.8 %
Оқяния / Австралия	43 602 955	0.5 %	30,549,185	70.1 %	301%	0.6 %
Жами	7 932 791 734	100.0 %	5,385,798,406	67.9 %	1,39%	100.0 %

Масофавий банк хизматларининг ривожланишга сабаб бўлувчи омиллардан бири бу интернет тармоғидан фойдаланувчиларнинг сони ошиб бориши ҳисобланади. Халқаро телекоммуникация жамияти маълумотларига кўра, ҳозирги кунда дунё аҳолисининг 67,9%и интернетдан фойдаланмоқда, уларнинг сони ҳозирги кунда 5,4 миллиарддан ошганлигини кўришимиз мумкин (1-расм). Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатмоқдаки, интернет фойдаланувчилари сони 2023 йилда 2000 йилга нисбатан 1,4 фоизга ошган.

Дунё минтақалари кесимида қарайдиган бўлсак, аҳолиси энг кўп интернетдан фойдаланувчи минтақа шимолий Америка бўлиб, бу минтақада аҳолининг 93,4 фоизи интернетдан фаол фойдаланса, Европада 89,2 фоиз, Океания ва Австралияда 70,1 фоиз, Лотин Америкаси ва Кариб денгизи давлатларида 80,5 фоиз, Яқин шарқ давлатларида 77,1 фоиз ва Осиё давлатларида 67,0 фоиз аҳоли интернетдан фойдаланади. Интернет энг кам оммалашган минтақа Африка давлатлари бўлиб, аҳолининг 43,2 фоизигина бу хизматдан фойдаланади.

Ўзбекистон аҳолисининг интернет хизматидан фойдаланувчилари сони 31 миллиондан ортди. Шундан 31 миллион интернет фойдаланувчиларининг 29,5 миллиони мобил интернетдан фойдаланади. Шунингдек, сўнгги икки йилда 22

300 та қўшимча таянч станцияси ўрнатилиб уларнинг умумий сони 54,0 мингтага етказилган.

Республика бўйича мобил алоқа қамрови даражаси 99 фоизга, кенг полосали мобил Интернет қамрови 98 фоизга етказилган[8].

Хусусан, 2023 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, Ўзбекистонда мобил алоқа билан таъминланган абонентлар сони қарийб 32 миллион нафарни ташкил этган. Шундан аҳоли ихтиёрида бўлган мобил алоқа воситалари сони 27 млн донани ташкил этган. Мобил алоқа билан таъминланганлик кўрсаткичи ҳар 100 кишига 75 бирликни ташкил этган[9].

Ўзбекистонда мобил алоқа воситалари сони йилдан йилга ошиб бормоқда. Хусусан, сўнгги йилларда ҳар 100 кишига тўғри келадиган абонентлар сони (1 январь ҳолатига):

2019 йил - 65 та;

2020 йил - 69 та;

2021 йил - 71 та;

2022 йил - 73 та;

2023 йил - 75 та.

Умумжаҳон статистика маълумотларига кўра, 2020 йилда дунёда ҳар 100 нафар аҳоли сонига нисбатан энг кўп мобил алоқа воситалари қайд этилган давлатлар орасида куйидагилар бор: Макао - 430 та, Гонконгда - 291 та, Сейшелда - 186 та, БАА да - 185 та, Таиландда - 166 та, Россияда - 163 та, Японияда - 154 та, Германия - 126 та, АҚШ -106 та ва бошқалар.

Ўзбекистонда мобил алоқа воситалари сони йилдан йилга ошиши баробарида банк масофавий хизматлар тизимидан фойдаланувчилар сони ҳам ошиб бормоқда (4-жадвал).



4-жадвал. Масофавий банк хизматларидан фойдаланувчи мижозлар сони [10]

№	Банк номи	Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар		Жисмоний шахслар		Жами	
		2021 й	2023 й	2021 й	2023 й	2021 й	2023 й
1	Миллий банк	61 633	88 734	1 191 694	1424424	1 253 327	1 513 158
2	Ўзбекистон саноат-қурилиш банки	39 891	62 419	1 667 420	4751274	1 707 311	4 813 693
3	Агробанк	110 104	176 146	2 355 155	4138615	2 465 259	4 314 761
4	Ипотека-банк	117 298	147 222	1 300 787	2198253	1 418 085	2 345 475
5	Микрокредитбанк	54 221	55 816	682 778	859994	736 999	915 810
6	Халқ банки	95 347	95 383	2 148 750	4154377	2 244 097	4 249 760
7	Гарант банк	12 331	8 435	67 635	88667	79 966	97 102
8	Қишлоқ қурилиш банк	20 874	27 822	283 360	380503	304 234	408 325
9	Туронбанк	21 928	40 870	194 298	296343	216 226	337 213
10	Hamkorbank	81 270	110 466	918 703	1165323	999 973	1 275 789
11	Асака банк	28 786	36 566	739 200	911048	767 986	947 614
12	Ипак Йўли банки	24 789	49 921	570 568	1439443	595 357	1 489 364
13	Ziraat bank Uzbekistan	1 674	3 336	17 594	40729	19 268	44 065
14	Трастбанк	25 625	41 018	115 976	211032	141 601	252 050
15	Алоқабанк	16 687	29 052	375 174	685033	391 861	714 085
16	КДБ Банк Ўзбекистон	741	1 179	28 724	40961	29 465	42 140
17	Туркистон банк	3 467	0	10 047	0	13 514	-
18	Содерот банк Тошкент	160	298	1 261	2128	1 421	2 426
19	Универсал банк	5 613	9 995	73 303	108797	78 916	118 792
20	Капиталбанк	25 872	35 307	200 404	641278	226 276	676 585
21	Равнақбанк	1 938	2 540	21 923	48378	23 861	50 918
22	Davr-bank	19 661	26 088	60 492	90929	80 153	117 017
23	Invest Finance банк	20 177	28 452	285 243	423329	305 420	451 781
24	Asia Allianceбанк	11 991	33 540	174 339	373613	186 330	407 153
25	Hi-Tech банк	1 547		21 012	0	22 559	-
26	Orient Finans банк	17 145	27 996	230 577	422556	247 722	450 552
27	Madad Invest банк	724	1 008	2 209	2434	2 933	3 442
28	Uzagroeksportbank	110	110	1 225	1318	1 335	1 428
29	Poytaxt банк	693	977	3 736	6332	4 429	7 309
30	Tenge банк	221	1 376	1 830	23808	2 051	25 184
31	TBC банк		0	3 159	964145	3 159	964 145
32	ANOR банк	0	14 973		2666075	0	2 681 048
33	UZUM банк	0	0	0	282730	0	282 730
Жами		822 518	1 157 045	13 748 576	28 843 869	14 571 094	30 000 914

Интернет ва мобил алоқанинг барча фойдаланувчилари банклар учун истиқболли мижозлар ҳисобланади ва масофавий хизматларнинг қулай томонларини кўрсатиб бериш йўли билан ушбу бўлажак мижозларни банкка жалб қилиш фақат ушбу банкнинг хатти-ҳаракатларига боғлиқ, холос. Чунки ўз маблағларини банкда сақлаган жисмоний шахс масофавий банк хизматлари орқали нафақат ўз ҳисоб рақами тўғрисидаги ахборотларни олиши, балки мобил алоқа, интернет, телевидение, коммунал хизматлар ва шу каби кўплаб хизматлардан фойдаланганлик учун тўловларни амалга ошириши мумкин. Юқоридаги масофавий банк хизматларининг жорий этишга таъсир этувчи омиллардан ташқари яна бир қанча муаммоли ҳолатларни бартараф этиш лозим.

Биринчидан, маҳаллий аҳоли банкларда ўз операцияларини амалга оширганда кўпроқ банк ходимлари билан тўғридан-тўғри мулоқотни афзал кўришади ва амалга оширилган ҳар бир операция бўйича тасдиқловчи ҳужжатларни олишга одатланиб қолишган. Бундай ҳолат аҳолининг менталитетини ўзгартириш учун аҳолига масофавий банк хизматларининг имко ниятлари ва хавфсизлиги борасидаги тушунтириш ишларини олиб боришни талаб этади.

Иккинчидан, кўплаб инсонлар янги масофавий банк хизматлари бўйича тушунчаларининг камлиги сабабли янги замонавий технология ва тизимдан биринчи бор фойдаланиб кўришда чўчишмоқда, чунки ҳар бир янги дастурий технологиялар даставвал фойдаланишда бир мунча қийинчиликларни келтириб чиқаради. шунингдек, банклар доимий равишда ўз дастурий тизимларида хизмат турларини такомиллаштириб борадилар.

Учинчидан, Республикамизнинг чекка туманларида электр энергиясининг тез-тез ўчиб туриши ва бунинг натижасида мижозларга вақтида алоқа хизмати ва бошқа молиявий хизматларни кўрсатиб бўлмайди. Бундай жойларда интернет тезлиги жуда паст эканлиги масофавий банк хизматларидан фойдаланишда ҳар хил тушунмовчиликларни келтириб чиқаради. Ушбу ҳудудларда банк мижозлари ҳали ҳам ўз банк амалиётини тўлиғича банкда амалга оширмоқда. шундай экан, банклар ушбу ҳудудларда ҳам масофавий банк хизматларини жорий этишга эътибор қаратиши лозим.

Тўртинчидан, тижорат банклари учун замонавий технологиялар ва дастурий таъминотларни сотиб олиш ва ўрнатиш нархининг бироз қимматлиги учун банклар смартфон ва компьютерларга асосланган ўзларининг маҳсу

дастурларини жорий қилишлари масофавий банк хизматларида янги имкониятлар яратиш, харажатларни тежаш имконини беради. Бу банкларнинг ахборот технологиялари бўйича мутахассислари ва дастурчиларига катта масъулият юклайди ёки маҳаллий бошқа мутахассислар кўмагини талаб этади. Бешинчидан, масофавий банк хизматларини замонавий даражага олиб чиқиш учун алоқа ва интернет кун давомида 24 соат ишласа-ю, масофавий банк хизматлари орқали мижозлар тўловларни ўтказишда операцион куннинг ёпилишига қадар фойдаланиши мумкин. Агар мижозлар турли банклар мижози бўлса, тўловларни фақатгина жорий кунда соат 17-00 га қадар амалга ошира олади. Яъни масофавий банк хизматлари ҳам анаъанавий хизматлар каби Марказий банкнинг Ахборотлаштириш Бош маркази томонидан белгиланган вақтга қадар фойдаланилади.

шунинг учун алоқа ва интернетнинг кун давомида 24 соат ишлашини инобатга олиб, банкларда алоҳида платформа яратиб, операцион кун бўлмаган вақтда ҳам автоматик равишда масофавий банк хизматларида тўлов амалиётларини амалга ошириш имкониятларини кўриб чиқиш лозим. Бу айниқса иқтисодиёт рақамлашиб, тўлов тизими йилдан-йилга тезлашиб ва банк мижозлари сони ортиб бораётган бир пайтда амалга оширилиши талаб этиладиган муҳим вазифалардан биридир.

Хулоса ва таклифлар

Хулоса қилиб айтганда, банк ва мижоз ўртасидаги муносабатларда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, шу жумладан харажати нисбатан кам бўлган электрон рақамли технологияларга асосланган молиявий хизматларни жорий қилишни рағбатлантириш механизмини яратиш, республикамиз бўйлаб барча банк филиалларида 24/7 режимидаги смартофисларни очиш ҳамда банк карталари ва уларга хизмат кўрсатувчи жиҳозлар (тўлов терминали, инфокиоск ва банкоматлар) сонини кескин ошириш орқали банк мижозлари ва мамлакатимиз аҳолиси учун қулай хизматларни таклиф этиш бугунги куннинг долзарб масаласи саналади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги ПФ-5992-сонли фармони//ҚХММБ:06/205992/0581-сон. 13.05.2020 й.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон-2030” Стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-6079-сонли фармони.
3. Лаврушина.О.И Банковское дело. Экспресс-курс: учебное пособие. 2016. 12 с.
4. Алиқориев О.Ф. Тижорат банкларида молиявий хизмат турларини ривожлантириш йўналишлари. Дис. и.ф.н., - Т.: БМА, - 2011. – 28 б.
5. Мирсоатов.А.К. Рақамли иқтисодиётни шакллантириш шароитида инновацион банк хизматларини ривожлантириш.Автореферат.2021й. 13-б.
6. <https://www.speedtest.net/global-index>.
7. <https://www.internetworldstats.com/stats.htm>.
8. <https://uz/news/uzbekistonda-internetdan-foydalanuvchilar-soni>.
9. https://t.me/statistika_rasmiy.
10. <https://cbu.uz/oz/statistics/paysistem>.